

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Товар ва молия бозорларидаги рақобат жараёнини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг 20 августиди «Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини қабул қилди, у билан қуйидаги 5 та Низом тасдиқланди:

1) товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш ҳамда Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисида;

2) хизматларнинг молия бозорида монопол юқори ва монопол паст нархларни аниқлаш тартиби тўғрисида;

3) рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларни аниқлаш тартиби тўғрисида;


4) хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида;

5) хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ва бошқа мулккий ҳуқуқларни олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиш тартиби тўғрисида.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ БОЗОРДАГИ УСТУН МАВҚЕИНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ШАРТЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Шуни эслатиб ўтамизки, «Рақобат тўғрисида»ги Қонун (6.01.2012 йилдаги ЎРҚ-319-сон, бундан кейин – Қонун) билан устун мавқени аниқлаш тамойили ўзгартирилиб, товарлар ва хизматлар бозорида уни аниқлашнинг янада аниқ мезонлари мустаҳкамланган, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улуши пасайиши белгиланган эди (Қонуннинг 6-моддаси). Агар илгари товарлари ёки хизматлари улуши товар ёки молия бозорида 65% ва ундан юқори бўлган субъектнинг мақоми устун саналган бўлса, эндиликда Қонун устун мавқени эътироф этишнинг энг юқори даражасини пасайтирди. Эндиликда хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги товарлари ёки хизматлари улуши 50%га тенг ва ундан ортиқ бўлса, ёхуд 35-50% ҳажмида бўлса – хўжалик юритувчи субъектнинг товар бозоридаги улуши камида 1 йил мобайнида барқарор бўлиб турганда; бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) тегишли улушлар нисбий миқдорда бўлиб турганда; ушбу бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг киришига имконият бўлганда устун мақомга эга саналади.

Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш ҳамда Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.



Устун мавқе мавжудлигини аниқлаш 3 босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг бир қисмида товар ёки молия бозори чегарасини, яъни товар ёки молиявий хизматнинг (шу жумладан бир-бирининг ўрнини босувчи) муомалада бўлиш чегараларини унинг истеъмолчилар томонидан эркин сотиб олиниши тамойили бўйича аниқлашни ўз ичига олади. Товарни эркин сотиб олиш тегишли минтақада аниқ товарни сотиб олиш имконияти; товар қийматиға нисбатан транспорт харажатларининг қопланиши; товарнинг сифати, ишончлилиги ва бошқа истеъмол хусусиятларининг сақланиши; товарни олди-сотди, олиб кириш ва олиб чиқишга чекловлар (тақиқлар)нинг мавжуд эмаслиги; товар бозори чегаралари доирасида рақобатнинг тенг шарт-шароитлари мавжуд бўлганда таъминланади.

Сунгра хўжалик юритувчи субъектлар ва (ёки) шахслар гуруҳининг бозор улушларини аниқлаш камида бир йиллик давр учун амалга оширилади, бозор улуши хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳининг аниқ товар бозоридаги савдо-сотиқлар ҳажмининг умумий ҳажмидаги иштирокини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Охирги босқич – бевосита хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш. Товар бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ бўлмаган ҳолда унга ўз фаолиятини амалга ошириш ва рақобатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, тегишли бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришини қийинлаштириш ёхуд уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳолати устун мавқе ҳисобланади.

Тегишли бозорда товар улушининг қуйидаги миқдорлари устун мавқе мезони ҳисобланади:

а) 50% ва ундан ортиқни ташкил этса;

б) 35%дан 50%гача ҳажмда бўлиб, хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг улуши 1 йил ва ундан ортиқ муддат мобайнида барқарор бўлиб турса ёхуд бозорда 20%дан ортиқ товарлар улуши бўлган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи йўқ бўлса.

Молиявий хизматлар кўрсатиш бошланган санадан бошлаб 2 йил мобайнида тегишли молия бозорида молиявий хизматларнинг аниқ турига ўхшаши мавжуд бўлмаган, биринчи марта бозорга маълум бир турдаги молиявий хизматлар бозорига кирган хўжалик юритувчи субъект молия бозорида устун мавқеини



эгалловчи хўжалик юритувчи субъект сифатида кўриб чиқилмайди.

Устун мавқени эгаллаган деб эътироф этилган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига киритилади. Реестр мазкур хўжалик юритувчи субъектлар ва шахслар гуруҳининг фаолияти мониторинги ва назоратини амалга ошириш, монополияга қарши ҳаракатларини чеклаш ва уларнинг олдини олиш ҳамда улар томонидан устун мавқеини суиистеъмол қилишига йўл қўймаслик учун юритилади.

Қонун ҳужжатлари билан нархларни тартибга солувчи орган томонидан нархлар белгиланган ҳолда товар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ёки нархларни тасдиқлашни (декларациялашни, келишишни) амалга ошириш зиммасига юкланган товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи Реестрга киритилмайди.

МОНОПОЛИСТ ТОВАРИНИНГ НАРХИ ДОИМ ҲАМ МОНОПОЛ БЎЛАВЕРМАЙДИ

Хизматларнинг молия бозорида монопол юқори ва монопол паст нархларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (бундан кейин – 2-сон Низом) молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гуруҳларига тегишли.

«Рақобат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ молия бозори банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади.


Молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг монопол юқори ва монопол паст нархлари Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (бундан кейин – Давлат рақобат қўмитаси) ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан аниқланади.

2-сон Низомга мувофиқ молия бозорида монопол юқори нарх молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг хизматларига нархларни бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кўрсатиладиган хизматларга ўхшаш бўлган ва (ёки) ўзаро алмашинадиган хизматлар нархлари билан таққослаш йўли билан амалга оширилади. Агар молия бозорида 2 ёки

3-бетда

ПАСПОРТ. ҲИСОБГА ОЛИШ. ПРОПИСКА

Шу йил 5 сентябрида «NORMA» газеталари бирлашган таҳририяти Ўзбекистон Республикасининг паспорт тизими билан яқиндан танишишни хоҳловчилар учун ахборот семинарини ташкил этди ва ўтказди. Маърузачилар, ҳуқуқий масалалар бўйича етакчи экспертлар қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда биометрик паспорт, фуқароларни Тошкент шаҳри ва вилоятида вақтинча ҳисобга олиш, «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун тўғрисида кўпгина қизиқарли маълумотлардан бохабар қилдилар. Семинар иштирокчилари нафақат янги ахборот олишга, балки маърузачи экспертлардан малакали маслаҳатлар, тавсиялар ва ўзларини қизиқтирадиган саволларга жавоб олишга ҳам муваффақ бўлдилар. Уларнинг энг қизиқарлилари билан танишишни таклиф қиламиз.



7-бетда

«ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНЯПТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Насимжон АЛИМОВ мазкур қонун лойиҳасига оид ўз фикрлари билан ўртоқлашди:



— Фикримча, бизнесни қўллаб-қувватлаш йўли фақат иқтисодий соҳада амалга оширилиши керак эмас. У тадбиркорлик фаолияти субъектларининг суддаги ҳимоясини таъминлашга ҳам эҳтиёж сезади. Бундай ҳимоя давлат органлари, шу жумладан назорат қилувчи органларнинг ҳам тадбиркорлик тузилмалари фаолиятига аралашини чеклаш борасидаги устувор йўналишни давом эттириш имконини беради.

Тегишли миллий қонун ҳужжатларини, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг суддаги ҳимояси масалаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг чет эл тажрибасини ўрганиб ҳамда таҳлил қилиб, Хўжалик процессуал кодексининг (ХПК) 23-моддасини қуйидаги иккинчи қисм билан тўлдиришни таклиф қиламиз: «Хўжалик судига якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиққан ҳолларда, тааллуқлидир».

Бу нима беради? —

Кўрсатилган тоифадаги ишларнинг тааллуқлилик муаммоси ҳал этилади, зеро ҳозирги вақтда суд амалиётида якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқароларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқадиган талабларга оид ишларни кўришда ягона ёндашув мавжуд эмас. Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар билан фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари ўртасида юзага келадиган низоларни ҳал этиш тизими тартибга солинади.

ХПК 110-моддасининг иккинчи қисмига кўра суд буйруғи судья томонидан 2 нусхада имзоланади, улардан бири ишда қолади, бошқаси хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланиб, ундирувчига берилади. Шу муносабат билан қарздор — тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни тўлиқ таъминлаш учун суд буйруғининг лозим даражада тасдиқланган нусхаси қарздорга ҳам юборилиши белгиланган тартибни ўрнатиш таклиф қилиняпти.

Шунингдек ХПК ва Фуқаролик процессуал кодексига (ФПК) хўжалик судлари томонидан сайёр суд мажлисларини ўтказиш мумкинлиги тўғрисидаги меъёрни киритиш таклиф қилинди. Шу тариқа, республиканинг олис вилоят (туман)ларида жойлашган тадбиркорлик субъектлари учун одил судлов таомилида иштирок этиш шароитлари

мақбуллаштирилади ва, энг муҳими, уларнинг транспорт харажатлари анча камаяди.

ХПКнинг 156 ва 173-моддаларини қуйидагиларни назарда тутадиган меъёр билан тўлдириш таклиф этиляпти:

ишда иштирок этишга жалб этилмаган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд қарор қабул қилган шахслар:

хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни бериш (протест келтириш)га;

хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация шикоятни беришга ҳақлидир.

Уларни апелляция ва кассация шикоятлари бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига киритиш юридик-техник нуқтаи назардан тўғридир. Мазкур меъёр ушбу тоифадаги шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ҳимоясининг ишончли кафолатига айланади. Шунингдек ХПКнинг 170 ва 188-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш талаб этилади.

ФПКнинг 310, 320, 346 ва 348-моддаларига ишда иштирок этишга жалб этилмаган, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд қарор қабул қилган шахсларнинг суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақидаги шикоят (ариза) билан мурожаат қилиш, апелляция ва кассация шикоятлари бериш, биринчи инстанция су-

дининг ажримлари устидан апелляция тартибда шикоят бериш ва протест келтириш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган ўзгартиришлар киритилиши ҳам мантиққа мувофиқдир. Судлар томонидан уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари масаласининг ҳал этилиши ҳам ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг (24.12.1998 йилдаги 717-І-сон) 19-моддасида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан судга ёки бўйсунуш тартибда юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкинлиги назарда тутилган. Бунда шикоятни бериш назорат қилувчи орган мансабдор шахсининг ҳаракатларини тўхтатиб қўймайди, ушбу ҳаракатлар доим ҳам тўғри бўлавермайдими, айниқса, агар улар устидан шикоят қилинганда. Текширув жараёнида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқлари бузилиши мумкин. Шу боис хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва уларга қўшимча кафолатлар яратиш мақсадида текширилувчи хўжалик юритувчи субъект томонидан судга шикоят берилганида мазкур ҳаракатларни ёки қарорларни тўхтатиб қўйиш таклиф этиляпти.

«Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонуннинг (16.10.2006 йилдаги ЎРҚ-64-сон) 32-моддасида агар

ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бошқача шартлашмаган бўлсалар, даъвони таъминлаш чораларини кўришга йўл қўйилади. Даъвони таъминлаш масаласи ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёкинки жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги ваколатли суд томонидан ХПК ёки ФПК белгиланган тартибда қўрилади.

Давлат суди томонидан даъвони таъминлаш тўғрисида ажрим қабул қилинган тақдирда ҳакамлик судининг даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ажрими ўз кучини йўқотади. Агар даъвони таъминлашга доир чоралар дарҳол кўрилмаса, жавобгар ўз мол-мулкидан маҳрум бўлиши мумкин. Ушбу ҳолда ҳакамлик судининг даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисидаги ажримини ижро этиш мумкин бўлмайдими, унинг қарорини ижро этиш ғоятда қийинлашади. Айни шу сабабли ҳакамлик суди томонидан даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида ажрим қабул қилинишининг зарурлигини истисно этадиган тегишли ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинди.

Агар буларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниб, қонун тарзида қабул қилинса, судларда ишлар сифатли, сансалорсиз кўрилади ва тадбиркорлик субъектларининг суддаги ҳимояси янада самаралироқ бўлади.

Маъруф УСМОНОВ,
бош маслаҳатчимиз.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	16.09.2013	1	0,7845	1	1,0486	1	0,0242
Арманистон	13.09.2013	1	409,41	1	544,15	1	12,53
Беларусь	17.09.2013	1	9010,00	1	12030,00	1	279,00
Грузия	16.09.2013	1	1,6563	1	2,2011	100	5,0589
Қозоғистон	16.09.2013	1	153,29	1	203,66	1	4,68
Қирғизистон	17.09.2013	1	48,9271	1	65,3103	1	1,5152
Латвия	16.09.2013	1	0,530000	1	0,702804	1	0,016200
Литва	17.09.2013	1	2,5831	1	3,4528	1	0,080108
Молдова	16.09.2013	1	12,8665	1	17,0963	1	0,3938
Россия	17.09.2013	1	32,2907	1	43,1597	—	—
Тожикистон	16.09.2013	1	4,7679	1	6,1014	1	0,1483
Украина	16.09.2013	100	799,3000	100	1062,6694	10	2,4413
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГАНИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 17 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1996,44	1 Польша злотийси	682,16
1 Англия фунт стерлинги	3415,46	1 СДР	3252,10
1 Дания кронаси	383,77	1 Туркия лираси	1067,27
1 БАА дирҳами	582,89	1 Швейцария франки	2317,30
1 АҚШ доллари	2140,95	1 ЕВРО	2837,45
1 Миср фунти	310,55	10 Жанубий Корея вон	19,78
1 Исландия кронаси	17,57	10 Япония иенаси	216,56
1 Канада доллари	2078,19	1 Россия рубли	63,39
1 Хитой юани	349,96	1 Украина гривнаси	267,85
1 Малайзия ринггити	651,14		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ
СОҲДА:

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Монополияга қарши тартибга солишдаги янгиликлар
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1, 3-4-бетлар

• ҚОНУН ИЖОДКОРЛАРИ НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА

- «Тадбиркорлик субъектларини суд орқали

ҳимоя қилиш янада мустаҳкамланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилиняпти

• АУДИТОР ХАБАРНОМАСИ

- Аудит халқаро стандартлар даражасида бўлади
- Таътил пуллари қандай расмийлаштирилади
- Пудратчи ва ёрдамчи пудратчи: бухгалтерияни тўғри юритамиз

5-6-бетлар

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

- Паспорт. Ҳисобга олиш. Прописка

• БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

- Икки ой ишлаган ходимдан қанча солиқ олинади
- Чикиндиларни сотишдан тушумга қанча солиқ олинади
- Хориж маҳсулотига қандай ҳужжатлар керак

8-бет

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



ундан ортиқ ҳўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи фаолият юритаётган бўлса, молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган ҳўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи томонидан кўрсатилаётган хизматлар нархи,

агар ушбу нарх молия бозори чегаралари доирасида бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланган нархларнинг ўртача қийматида 10%дан зиёдга ошса, монопол юқори нарх деб ҳисобланади. Агар молия бозорида фақат битта ҳўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи фаолият юритаётган бўлса, ушбу ҳўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи хизмати нархи хизматни кўрсатиш учун зарур бўлган харажатлар ва фойда миқдоридан ошса ҳамда ушбу хизматни кўрсатишдан асосланмаган фойда олиш имконини берса; кўрсатилаётган хизматнинг сифат тавсифлари пасайиши натижасида асоссиз харажатларни компенсация қилишга ёки қўшимча фойда олишга йўналтирилган бўлса, монопол юқори нарх ҳисобланади.

Хизматларнинг монопол паст нархи хизмат кўрсатиш учун зарур харажатлар қийматини қопламайдиган ва фойда олишни кўзда тутмайдиган, бунинг натижасида рақобатни чеклаш, бозордан рақобатчиларни сиқиб чиқариш ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид оқибатлари бўлган молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган ҳўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи томонидан белгиланган нарх ҳисобланади.

Молия бозорида монопол юқори ёки монопол паст нархлар мавжудлиги ва қўлланиши аниқланганда монополияга қарши орган белгиланган тартибда иш кўзғатади ҳамда монопол юқори ёки монопол паст нархлар қўллашни бартараф этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

РАҚОБАТНИ ЧЕКЛОВЧИ БИТИМЛАР ҚАТНАШЧИЛАРИ АНИҚЛАНИБ, ЖАЗОГА ТОРТИЛАДИ

Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (бундан кейин – 3-сон Низом) «Рақобат тўғрисида»ги Қонунни қўллаш нормаларини тартибга солади.

Маълумки, «Рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларни амалга оширишини тақиқлайди. Хусусан, сунъий равишда нархларни белгилаш, ишлаб чиқариш бозорини назорат қилиш каби битимларни амалга ошириши тақиқланган.

Бундай тақиқланган ҳаракатлар ва битимларга мисоллар келтирамиз. Айтайлик, ҳўжалик юритувчи субъектлар ўзаро келишиб олиб, бозорда ягона нарх ўрнатиб, истеъмолчинини танлаш ҳуқуқидан маҳрум этишлари мумкин. Бир тараф бошқасига хом ашё етказиб бериб, бошқа ҳеч кимга уни бермаслиги ҳам тарафларнинг келишувига яна бир мисол бўлиши мумкин. Агар шундай битимлар расмийлаштирилган бўлса, уларни текшириш осон. Агар оғзаки бўлса, тақиқланган хатти-ҳаракатларни фош этиш учун уларни кузатиш, таҳлил қилиш зарур бўлади.

Тасдиқланган 3-сон Низомга мувофиқ Давлат рақобат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари зиммасига назорат қилиш функцияларини амалга ошириш чоғида келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар белгиларини фош этиш мажбурияти юкланган.

Кўрсатилган белгиларнинг мавжудлиги товар ва молия бозорларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мурожаатларини, оммавий ахборот воситаларининг хабарларини ҳамда тегишли органларнинг ушбу белгиларнинг мавжудлигини кўрсатадиган маълумотлардан иборат бўлган кўрсатмаларини ўрганиш давомида аниқланади.

3-сон Низомга мувофиқ қуйидагилар келишиб олинган ҳаракатларни ва рақобатни чеклайдиган битимларни амалга ошириш белгилари ҳисобланади:

нархларни бир вақтда ёки 30 кун мобайнида ошириш (пасайтириш);

ўхшаш товарни ишлаб чиқаришга ёки сотиб олиш ёхуд реализация қилишга харажатларнинг турли миқдорларида ягона нархларни белгилаш;

бозорда ягона нархларни белгилаш мақсадида товар қолдиқларини қўшимча баҳолаш;

ўхшаш товарларга бир хил нархлардан бир вақтда чегирмалар белгилаш;

бозорда танқислик ва нархлар юқори бўлган тақдирда келгусида товарларни қайта сотиш учун ишлаб чиқарилган, амалда сотиб олинган/импорт қилинган, товарларни бозорга етказиб бериш ҳажмларини камайтириш;

турли етказиб берувчилар томонидан реализация қилинаётган товарларга юқори нархларни сунъий тарзда сақлаб туриш;

бошқа харидорлар ёки сотувчилар билан шартнома тузилган ҳудди шу шартларда муайян харидорлар ёки сотувчилар билан шартномалар тузишни рад этиш;

товарларни муайян минтақаларда сотишни тўхтатиш.

Шунингдек 3-сон Низом билан бундай далилларни аниқлашнинг асосий босқичлари белгиланган.

Товар етказиб бериш ҳажмларини келишиб, нархларни сунъий тарзда ошириш ёки пасайтириш тўғрисида ахдлашув, бир хил преysкуранти ёки нархни тасдиқлайдиган буйруқ (протокол, фармойиш)ни қўллаш, товарларни ишлаб чиқариш ёки сотиш ҳажмларига чеклашлар (квоталар) белгилаш келишиб олинган ҳаракатларни ва битимларни амалга ошириш ҳолатларининг далиллари ҳисобланади. Бунда далиллар бевосита ва билвосита бўлиши мумкин.

Шартномалар шартларини, счётлар, юк хатлари, преysкурантилар, тўлов топшириқномалари, қарорлар (шу жумладан протоколлар), хатлар ва шу кабиларни ўрганиш давомида аниқланадиган келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларнинг ҳужжатли тасдиғи рақобатни чеклайдиган битимлар тузиш бевосита далиллар ҳисобланади. Келишиб олинган ҳаракатлар ва битимларни тасдиқловчи билвосита далиллар муайян даврда бозорда ёки савдолар жараёнида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг хатти-ҳаракатини қиёсий таҳлил қилиш давомида аниқланади.

Келишиб олинган ҳаракатлар ёки битимлар белгиларини аниқлаган тақдирда монополияга қарши орган рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида иш кўзғатишга ҳақли.

Монополияга қарши органга ахборотни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик, ишончсиз ёки сохта маълумотлар тақдим этганлик учун ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахсларнинг бирлашмалари ва уларнинг мансабдор шахслари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (МЖТК) 178-моддаси ва Жиноят кодексининг (ЖК) 183-моддасига мувофиқ жавоб берадилар.


Монополияга қарши органга ахборот тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд уларга била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш мансабдор шахсларга иш ҳақининг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТК 178-моддасининг биринчи қисми).

Монополияга қарши органга ахборот тақдим этмаслик ёки била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, ЭКИХнинг 25 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан жазоланади (ЖК 183-моддасининг биринчи қисми).

УСТУН МАВҚЕНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАНЛАРНИ МАЖБУРИЙ ТАРЗДА БЎЛИШЛАРИ МУМКИН

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг устун мавқени суистеъмол қилишини бартараф этиш, шунингдек товар ёки молия бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш зарурати мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқаришга эҳтиёж туғдиради. Бунинг учун битта ҳўжалик юритувчи субъект негизда товар ва молия бозорларини тўйинтиришга, товарлар, ишлар ва хизматларнинг истеъмол хусусиятларини яхшилашга, уларнинг рақобатбардошлилигини оширишга кўмаклашувчи иккита ёхуд бир нечта алоҳида субъект ташкил этилади. Илгари ҳўжалик юритувчи субъектга нисбатан бозордаги устун мавқени суистеъмол қилишини бартараф этиш бўйича қўлланган чора-тадбирлар самара бермаган тақдирда мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш чораси қўлланади.

Ҳўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарз-



да бўлиш ёки ажратиб чиқариш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом табиий монополиялар субъектларига татбиқ этилмайди.

Ҳўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш имконияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш Монополияга қарши орган ҳамда унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектни бўлиш натижасида бўлинаётган ҳўжалик юритувчи субъект негизда, унинг фаолиятини тўхтатган ҳамда унинг ҳуқуқлари ва вази-фаларини янгидан ташкил этилаётган ҳўжалик юритувчи субъектларга берган ҳолда, бир нечта ҳўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектни ажратиб чиқаришда, унинг фаолиятини тўхтатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисмини уларга бериш билан бир ёки бир нечта ҳўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилади.

Ҳўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш тўғрисидаги қарор, ҳар бир аниқ ҳолатда, тармоқнинг, ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятини, ишлаб чиқарилаётган товарлар, амалга оширилаётган ишлар ва хизматлар, бошқарувни ташкил этиш турини ҳисобга олган ҳолда, уни бўлиш ёки ажратиб чиқариш имконияти ва мақсадга мувофиқлиги кўп томонлама баҳолангандан кейин қабул қилиниши мумкин.

Ҳўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш тўғрисида қарорни Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини кўриб чиқиш бўйича махсус комиссия қабул қилинади. Унинг қабул қилган қарори асосида монополияга қарши орган томонидан 10 кун муддатда ҳўжалик судига ҳўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажрати-тиб чиқариш тўғрисида даъво аризаси киритилади.

Ҳўжалик суди томонидан ижобий қарор чиқарилган тақдирда ҳўжалик юритувчи субъектларни бўлиш ёки ажратиб чиқариш тартиботи қарорда назарда тутилган талабларни ҳисобга олган ҳолда ва унда белгиланган муддатда мулкдор ёки у вакил қилган орган томонидан бажарилиши керак.

Ҳўжалик судининг ҳўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш тўғрисидаги қарори суд белгиланган муддатларда бажарилмаган тақдирда ҳўжалик суди монополияга қарши орган даъвоси бўйича, қонунда белгиланган тартибда ҳўжалик юритувчи субъектни бўлиш ёки ажратиб чиқариш амалга ошириш бўйича ҳўжалик юритувчи субъект бошқарувчисини тайинлайди. Мазкур вазиятда суд томонидан бўлиш балансининг тасдиқланиши янгидан пайдо бўлаётган ҳўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Бўлиш ва ажратиб чиқариш тартиботларини ўтказиш харажатлари бўлинаётган ҳўжалик юритувчи субъект томонидан қопланади.

ҚАЙСИ БИТИМЛАРНИ ТУЗИШ УЧУН МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ОРГАНИНГ ОЛДИНДАН РОЗИЛИГИНИ ОЛИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкый ҳуқуқларини олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиш тартиби тўғрисидаги низом (бундан кейин – 5-сон Низом) билан розилик олишни талаб этувчи юридик ва жисмоний шахслар иштирок этадиган операциялар ва унинг таомиллари аниқ белгиланган.

Ушбу Низом:

бир ёки бир нечта битимлар натижасида инвестор томонидан ҳўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) акциялар (улушлар)ни ёки бошқа мулкый ҳуқуқларни олишга;

устав фонди (устав капитали) кўпайтирилган тақдирда устав фондига (устав капиталига) ҳўжалик юритувчи субъектнинг акциялари (улушлари) ёки мол-мулкни олинаётган акциялар (улушлар) пакети учун тўлов ҳисобига киритишга;

қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан акциядорлик жамияти ёки улушлар кўпайтирилган тақдирда – масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият устав фондининг (устав капиталининг) бирламчи миқдори ўзгартирилганда – муассис акциялари (улушлари) пакетининг кўпайишига;

ҳўжалик юритувчи субъектнинг акцияларини (улушларини) совға, қарзни тўлаш тарзида беришга;

унга олдиндан розилик сўраладиган битим тузилгунгача жисмоний шахс

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



бошқа ҳўжалик юритувчи субъектнинг акциялари (улушлари)га эга бўлган тақдирда жисмоний шахс томонидан (акциялар (улушлар)ни олишга татбиқ этилади.

Битимларни амалга ошириш жараёнида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини Давлат рақобат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари назорат қилади.

5-сон Низомга мувофиқ ҳўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялари (улушлари) ёки бошқа мулкӣ ҳуқуқларини олишдан аввал монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш зарур. Агар битимларни тузиш пайтида товар бозорида фаолиятни амалга оширувчи ҳўжалик юритувчи субъектлардаги тегишли активларнинг жами баланс қиймати ёки охири календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган жами тушум энг кам ойлик иш ҳақининг 100 000 баравари миқдоридан ортиқ бўлса ёхуд битим қатнашчиларидан бири товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган ҳўжалик юритувчи шахс ҳисобланса, шундай қилиш зарур. Бу шарт «Рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси билан мустаҳкамланган.

Битимни амалга ошириш пайтида кредит ва бошқа молия ташкилотлари активларининг жами баланс қиймати энг кам миқдорида талабларнинг ўрнатилишини қимматли қоғозлар бозорини монополияга қарши бошқаришдаги янгилик деб ҳисоблаш мумкин. Чунончи, молия бозорида ўз фаолиятини амалга оширадиган субъектлар битим қатнашчиларидан бири молия бозорида устун мавқени эгаллаганда ёхуд активларининг жами баланс қиймати 5-сон Низомда назарда тутилган миқдордан ошганда, хусусан:

банкларга нисбатан – 450 млн АҚШ доллари;
суғурта компанияларига нисбатан – 25 млн АҚШ доллари;

лизинг компанияларига нисбатан – 3 млн АҚШ доллари;

нобанк кредит ташкилотларига ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчиларига нисбатан – 400 минг АҚШ доллари бўлганда, розилик олиш зарур.

5-сон Низом билан монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш керак бўлган яна бир қатор шартлар белгиланган. АЖ акцияларини (МЧЖдаги улушларни) харид қилиш битимини амалга ошириш натижасида инвестор умумий йиғилиш қарорлари қабул қилинишига таъсир кўрсатиш имконини берадиган уларнинг муайян миқдорини тасарруф этиш ҳуқуқини оладиган ҳоллар шулар жумласига киради. Шу ўринда илгари улушлар (акциялар) ҳажмининг 35 фоизли чегараси амал қилганини эслатиб ўтамиз, ундан ошган тақдирда битимни амалга оширишга олдиндан розилик олиш мажбурияти юзага келар эди. Бунда улушларни (акцияларни) қўшимча равишда харид қилиш ҳам сотиб олинаётган пакет ҳажмидан қатъи назар, розилик олишни талаб этар эди.

Эндиликда инвестор АЖнинг акцияларини олиш бўйича битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиши зарур бўлади, натижада куйидагиларни тасарруф этиш ҳуқуқини олади:

биринчидан, устав фондидаги (устав капиталидаги)

акцияларнинг 35 ва ундан ортиқ фоизини тасарруф этиш ҳуқуқини олади, агар бунгача инвестор мазкур акциядорлик жамияти устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг 35 фоиздан камини тасарруф этган бўлса;

иккинчидан, устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг 50 фоиздан ортигини тасарруф этиш ҳуқуқини олади, агар бунгача инвестор мазкур акциядорлик жамияти устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг камида 35 фоизини ва кўпи билан 50 фоизини тасарруф этган бўлса;

ва, учинчидан, устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг 75 фоиздан ортигини тасарруф этиш ҳуқуқини олади, агар бунгача инвестор мазкур акциядорлик жамияти устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг камида 50 фоизини ва кўпи билан 75 фоизини тасарруф этган бўлса.

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни олиш бўйича битимларни тузиш учун инвесторга куйидагиларни тасарруф этиш ҳуқуқини берадиган монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш зарур бўлади:

1) ушбу жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларнинг 50 фоиздан ортигини тасарруф этиш ҳуқуқини олганда, агар бунгача у мазкур жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларнинг 50 фоиздан камини тасарруф этган бўлса;

2) улушларнинг учдан икки қисмидан ортигини тасарруф этиш ҳуқуқини олганда, агар бунгача у мазкур жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларнинг камида 50 фоизини ва кўпи билан учдан икки қисмидан камини тасарруф этган бўлса.

Куйидаги ҳўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушларни) ёки бошқа мулкӣ ҳуқуқларини олиш бўйича битимни тузишга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги аризасини Давлат рақобат қўмитаси кўриб чиқади:

республиканинг барча ҳудудида ёки бир нечта минтақаларида ўз фаолиятини амалга оширс;

агар ҳўжалик юритувчи субъект ва инвестор ёки шахслар гуруҳи ҳисобланадиган инвесторлар республиканинг турли минтақаларида жойлашган бўлса;
хорижий инвесторлар олса.

Республиканинг тегишли ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширувчи ҳўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) ёки бошқа мулкӣ ҳуқуқларини олишда монополияга қарши органнинг ҳудудий органларига ариза билан мурожаат қилиш керак бўлади.

5-сон Низом билан ҳужжатларни тақдим этиш ва битим тузишга розилик бериш тўғрисида қарор қабул қилиш таомили ҳам белгиланган, у қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида тузилиши керак. Битим кўрсатиб ўтилган муддатда тузилмаган тақдирда монополияга қарши органнинг қарори ўз кучини йўқотади.

Ҳужжат билан инвестор ҳўжалик юритувчи субъектнинг акциялари (улушлари) ёки бошқа мулкӣ ҳуқуқларини олдиндан розилик олмасдан олгани ҳолати

аниқланса, монополияга қарши органга унга нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисида иш қўзғаш ҳуқуқи берилган.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги ишларни Монополияга қарши органнинг махсус комиссияси кўриб чиқади, у ишни моҳиятига кўра кўриб чиқиш натижаларига қараб акцияларга (улушларга) ва бошқа мулкӣ ҳуқуқларга эгалик қилишга розилик бериши ёки бунни рад этиши мумкин. Бироқ, қабул қилинган қарордан қатъи назар, олдиндан розилик олмасдан акцияларни (улушларни) олганлик учун Махсус комиссия инвесторга ЭКИХнинг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солади (МЖТК 178-моддасининг учинчи қисми).

Инвесторга берилган кўрсатма белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда монополияга қарши орган олдиндан розилиги берилмаган битимни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши шарт.

Бундан ташқари, 5-сон Низомда у татбиқ этилмайди-ган шахслар ва битимлар рўйхати келтирилган, у:

ҳўжалик юритувчи субъект томонидан устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз акциялари (улушлари) сотиб олинган;

ҳўжалик юритувчи субъект – акциядорлик жамияти, унинг устав фонди (устав капитали) ҳажми сақланган тақдирда, бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантирилган;

ҳўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушлар) ишончли бошқарувга берилган, шунингдек (улушлар) кейинчалик уларни қайта сотиш мақсадида устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушлар) инвестиция воситачилари томонидан олинган;

устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушлар) ёки бошқа мулкӣ ҳуқуқлар Президент ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ олинган ҳолларга тааллуқли.

Шунингдек ҳўжалик юритувчи субъект ташкил этилганда унинг муассисларига ҳамда жисмоний шахс томонидан биринчи марта тузилаётган битимларга монополияга қарши органнинг олдиндан розилиги талаб этилмайди.

Кўрсатилган Низом кучга кириши билан «Тошкент» РФБ ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчилари инвесторларни АЖ устав капиталидаги акцияларни олиш тартибига риоя этиш зарурати ҳақида хабардор қилишлари керак, акциялар бўйича битимларни рўйхатга олувчи депозитарийлар эса:

битимни (битимларни) рўйхатдан ўтказиш, ушбу инвесторнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш ва тасдиқлаш депозитарий томонидан амалга ошириладиган ҳолларда, унинг (уларнинг) натижасида инвестор ҳўжалик юритувчи субъект устав фондидаги акцияларнинг 35 ва ундан кўп фоизини инвестор оладиган акциялар билан бир ёки бир нечта битимларни рўйхатдан ўтказишда монополияга қарши органнинг олдиндан розилиги инвесторда мавжудлигини текширишлари;

инвестор томонидан монополияга қарши органнинг олдиндан олинган розилиги тақдим қилинмаган тақдирда, юқорида кўрсатилган битимни рўйхатдан ўтказишни рад этишлари шарт.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ВА ҲЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ДАВЛАТ КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарори билан Ҳукуматнинг бир қатор қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Энг муҳим ўзгартиришларга куйидагиларни киритиш мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида (1998 йил 27 майдаги 232-сон) Давлат рақобат қўмитасининг кичик тадбиркор-

ликни қўллаб-қувватлаш бўйича функциялари рўйхатига тузатиш киритилди. Хусусан, монополияга қарши орган вазифалари қаторига ўз ваколати доирасида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний ҳуқуқларини, манфаатларини ноҳалол рақобатчилардан, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳамда уларнинг рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, реклама фаолияти тўғрисидаги, банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган мансабдор шахсларининг ҳужжатлари ва ҳаракатларидан ҳимоя қилишни амалга ошириш киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2002 йил 28 ноябрдаги 414-сон) янги норма билан тўлдирилди. Унга мувофиқ истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши натижасида тайёрловчи (бажарувчи, сотувчи) томонидан олинган маблағлар истеъмолчиларга қайтарилади ёхуд истеъмолчиларни аниқлаш мумкин бўлмаган тақдирда республика бюджети даромадига олиб қўйилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Амалга оширилаётган иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (2003 йил 18

апрелдаги 188-сон) корхонани кредиторлар йиғилиши (кредиторлар қўмитаси) розилиги мавжуд бўлган тақдирда мулкӣ комплекс сифатида такрорий савдоларни ўтказмасдан, ошқора оферта шартларидаги тўғридан-тўғри савдолар орқали реализация қилиш тартибини белгилувчи норма киритилди. Бунда мулкни сотиш биринчи бадалнинг шартнома тузилган вақтдан бошлаб 10 кун мобайнида тўланишини назарда тутадиган олти-сотди шартномаси билан расмийлаштирилади. Биринчи бадал миқдори ҳам белгиланди – у мулкнинг камида 15 фоизини ташкил этиши керак.

Ҳужжатларга қисқача шарҳларни тахририят экспертлари тайёрладилар.



Аудитор хабарномаси



Ушбу сонда:

- Аудит халқаро стандартлар даражасида бўлади
- Таътил пуллари қандай расмийлаштирилади
- Пудратчи ва ёрдамчи пудратчи: бухгалтерияни тўғри юритамиз

АУДИТ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ДАРАЖАСИДА БЎЛАДИ

Аудиторлик хизматлари соҳасини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири улар сифатини халқаро аудиторлик стандартларига ўтиш йўли билан ошириш ҳисобланади. Ушбу жараённинг долзарблиги Президентнинг «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида» (26.11.2010 йилдаги ПҚ-1438-сон) қарори билан белгиланган. Хусусан, мазкур ҳужжатда Ўзбекистоннинг энг йирик корхоналарида аудитни халқаро стандартлар асосида ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги қарор мустаҳкамланган.

Ушбу шароитда Ўзбекистон аудиторлик ташкилотлари олдида кўрсатилаётган хизматлар даражасини халқаро стандартларнинг талабларига мувофиқлаштириш учун жадал ошириш вазифаси турибди. Муваффақиятли фаолият юритаётган маҳаллий компания халқаро даражага чиқишининг энг самарали йўлларида бири унинг амалдаги халқаро тузилмага интеграциялашуви бўлиши мумкин.

Яқинда мустақил аудиторлик фирмалари KRESTON INTERNATIONAL халқаро тармоғининг аъзоси бўлмиш «DOK-AUDIT» МЧЖ аудиторлик компанияси корпоратив бренддан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу муносабат билан компания ўзининг номини «KRESTON TASHKENT» МЧЖга ўзгартирганлигини эълон қилди.

Компания Ўзбекистон бозорида 2002 йилдан бери ишлайди, барча тоифадаги ҳўжалик юритувчи субъектларга, шу жумладан устав капиталида давлат улуши бўлган компанияларга аудиторлик хизматлари кўрсатади. 2012 йил якунлари бўйича DOK-AUDIT компанияси Ўзбекистон аудиторлик фирмалари ўртасида «А++» рейтинг классификацияси билан 4-ўринни эгаллади. Мухбиримиз «KRESTON TASHKENT» МЧЖ бош директори Евгения ИНДИНА билан келгусида ривожланиш истиқболлари ва аудиторлик компаниялари халқаро тармоғига аъзоликнинг маҳаллий аудиторлик ташкилоти учун афзалликлари тўғрисида суҳбатлашди.



– Евгения Ароновна, мустақил аудиторлик ташкилотлари KRESTON INTERNATIONAL халқаро тармоғи тўғрисида сўзлаб берсангиз. Нима учун айни уни танладингиз?

– Мустақил аудиторлик фирмаларининг KRESTON INTERNATIONAL халқаро тармоғи 1971 йилда ташкил этилган ва бугунги кунда у энг жўшқин ривожланаётган тармоқлардан бири бўлиб, дунёдаги етакчи аудиторлик компаниялари ўртасида 13-ўринни эгаллайди. Тармоқ дунёнинг 105 мамлакатида мижозларнинг катта миқдорида кенг доирада аудиторлик хизматлари кўрсатади. 21 000 малакали мутахассис ушбу хизматларнинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди.

KRESTON INTERNATIONAL учун тармоқ аъзоси бўлган барча компанияларда иш сифатининг бир хилдаги даражасини таъминлаш муҳим, фақат иш сифатини текшириш натижалари бўйича маҳаллий компанияга тармоққа кириш ва бренддан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Жаҳон аудиторлик ҳамжамиятига интеграцияланишнинг тур-

ли вариантларини синчиклаб таққослагандан кейин биз аввало халқаро сифат стандартларига мувофиқ бўлишни қатъиян талаб қилганлиги учун KRESTON INTERNATIONALнинг таклифини қабул қилдик. Бундан ташқари, мустақил ташкилотлар тармоғига аъзо бўлиш, халқаро компанияга бутунлай қўшилиб кетишдан фарқли равишда, маҳаллий компанияга ХАСга зид бўлмаган, бироқ Ўзбекистон молия тизимининг хусусиятларини янада тўлиқроқ ҳисобга оладиган ички фирма стандартларига риоя этиш имконини беради.

– Халқаро тармоққа кириш сизнинг компаниянгизга қандай афзалликлар беради?

– Асосий афзаллик – тармоқ ресурсларидан фойдалана олиш. Ўз фаолияти давомида KRESTON INTERNATIONAL турли минтақаларда, шунингдек иқтисодиётнинг турли секторларида мижозларга хилма-хил аудиторлик хизматлари кўрсатишнинг бой тажрибасини тўплаган. Шу сабабли, тармоқ аъзоси сифатида биз ушбу халқаро тажрибадан ўз фаолиятимизда фойдаланиш

имкониятига эга бўламиз.

KRESTON INTERNATIONALнинг ички сиёсати, таомиллар ва ички фирма стандартларини бажариши етакчи мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва кўп йиллик амалий қўллаш мубайнида синаб кўрилган тайёр услубиятлардан фойдаланиш имкониятини беради.

Бундан ташқари, тармоқ ичида хилма-хил ахборотни интенсив айирбошлаш узлуксиз давом этади. Турли компаниялар вакилларининг хилма-хил конференция ва учрашувларини ўтказишдан ташқари, тармоқ аъзолари аудит, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа соҳадаги аҳамиятли воқеалардан хабардор қилинади. Барча компанияларнинг ходимлари иштирок этишини кўзлаган ҳолда тақдимотлар, тренинг ва веб-семинарлар ташкил этилади. Ушбу тренингларда иштирок этиш учун Интернетга уланиш ва инглиз тилини билишгина зарур ҳолос.

Ва ниҳоят, сифатнинг белгиланган юқори стандартларига риоя этишни талаб қиладиган тармоқдаги фаолият, бу ички назорат таомиллари ёрдамида мунтазам равишда текширилади, кўрсатаётган хизматларимизнинг сифати, уларнинг доимо такомиллаштириб борилиши ва халқаро стандартларга мувофиқлиги хусусида бизда ишонч туғдиради.

– **KRESTON INTERNATIONALга аъзо бўлиш таомили тўғрисида сўзлаб берсангиз.**

– KRESTON INTERNATIONALнинг асосий мезони кўрсатилаётган хизматларнинг халқаро аудит стандартларига ва биринчи навбатда сифат стандартлари ва этика кодексига мувофиқлик ҳисобланади.

Бундан ташқари, аъзо бўлаётганда компания ички фирма стандартларининг тармоқ стандартларига мувофиқлик даражаси, компания ташкилий тузилмасининг бажарилаётган вазифаларга айнан ўхшашлиги, ходимларнинг малакаси, компаниянинг бўлғуси имкониятлари баҳоланади.

2011 йилда биз KRESTON INTERNATIONALнинг ҳар томонлама текширувидан ўтдик ва натижаларга кўра унинг аъзолари таркибига киритилдик. Шу билан бирга бир қатор тавсиялар берилди, улар бизга ички назорат тизимини такомиллаштиришда ёрдам берди.

– **Тармоққа кириш натижасида компаниянинг тузлиши ва иш концепциясида нималар ўзгарди?**

– 2011 йилда биз «катта тўртлик» компанияларидан бирида кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали аудитор раҳбарлигида алоҳида сифатни назорат қилиш департаментини ташкил қилдик. Ушбу департамент фақат услубият ва ички назоратни ўтказиш масалалари билан шуғулланади, у хизматлар кўрсатиш жараёнидан бутунлай чиқарилган.

Шу тариқа биз ушбу департаментни бутунлай мустақил қилдик, бу эса назорат сифатини анча оширди. Илгари назоратни аудиторларнинг ўзлари бирийўла иккиёклама чизмада ўтказиб, бир-бирларининг ишини текширардилар. Нохолислик бўлиши эҳтимоли туфайли бундай усул етарлича самарали бўлмасди.

Шунингдек KRESTON INTERNATIONAL тармоғининг тавсияларига амал қилиб, ишга доир аудиторлик ҳужжатларини тайёрлаш тизимини уни тайёрлаш бўйича ҳам, таснифлаш ва сақлаш таомиллари бўйича ҳам анча такомиллаштирдик. Электрон нусхаларни сақлаш талабларига қўшимча тарзда биз алоҳида хонада махсус архив ташкил этиб, унга киришни чекладик.

Ушбу тадбирларнинг ҳаммаси кўрсатаётган хизматларимизнинг сифатини сезиларли равишда ошириш ва уларнинг нафақат миллий, балки халқаро аудит стандартлари талабларига ҳам мувофиқлигини таъминлаш имконини берди. Ушбу хулосаларни 2013 йилда Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон БАМУ ўтказган текширувлар ва KRESTON INTERNATIONALнинг назорат шарҳи ҳам тасдиқлади, унинг натижалари бўйича биз корпоратив бренддан фойдаланиш ҳуқуқини олдик.

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчиманки, мустақил аудиторлик компанияларининг KRESTON INTERNATIONAL халқаро тармоғига аъзо бўлиш нафақат кўрсатилаётган хизматлар даражасини халқаро стандартлар талабларига қадар юксалтириш имконини беради, балки уни шу даражада ушлаб туриш ва ривожлантириш мақсадида саъй-ҳаракат қилишни ҳам талаб этади.

Мухбиримиз Ольга КИРЬЯКОВА суҳбатлашди.



АУДИТОРЛАР ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ТАЪТИЛ ПУЛЛАРИ ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ



Хайдовчига 22.07.2011 йилдан 18.08.2011 йилгача 24 иш кунига меҳнат таътили берилди.

Хайдовчи меҳнат таътилига чиққан кундаги (22.07.2011 йил) 1 соатлик тариф ставкаси 1 793,20 сўмни ташкил этади.

Хайдовчининг 2010 йил июль ойидан 2011 йил июль ойигача даврдаги амалдаги иш ҳақи ва ЯИТ солинадиган иш ҳақиға қўшимча тўловлар қуйидагича бўлган:

Т/р	Ойлар	Хайдовчининг йиллик даромади	
		иш ҳақи	иш ҳақидан ташқари тўловлар
1	Июль	65 573	329 699,00
2	Август	311 779	582 712
3	Сентябрь	337 761	540 501
4	Октябрь	321 677	482 137
5	Ноябрь	282 086	436 977
6	Декабрь	409 632	598 089
7	Январь	380 158	653 586
8	Февраль	503 889	452 578
9	Март	344 294	517 161
10	Апрель	385 538	728 640
11	Май	528 994	1 803 791
12	Июнь	588 160	621 346
	Жами:	4 459 541	7 747 317,00

1-вариант	2-вариант
1) 4 459 541 / 12 = 371 628 сўм	1) 4 459 541 / 12 = 371 628 сўм
2) 7 747 317 / 12 = 645 610 сўм	2) 7 747 317 / 12 = 645 610 сўм
3) 588 160 + 645 610 = 1 233 770 сўм	3) 371 628 + 645 610 = 1 017 238 сўм
4) 1 233 770 / 25,4 = 48 573,61 сўм	4) 1 017 238 / 25,4 = 40 048,74 сўм
5) 48 573,61 x 24 = 1 165 767 сўм	5) 40 048,74 x 24 = 961 169,76 сўм

3-вариант	4-вариант
1) 168 – ўртача ойлик иш вақти меъёри, соатда.	1) 233 – соатларда амалда ишланган иш вақти.
2) 1 793,20 сўм – бир соатлик тариф.	2) 1 793,20 сўм – бир соатлик тариф.
3) $168 \times 1\,793,20 = 301\,257,60$ сўм – соатларда ўртача ойлик иш вақти меъёридан келиб чиққан ҳолда ўртача ойлик иш ҳақи.	3) $233 \times 1\,793,20 = 417\,815,60$ сўм
4) $301\,257,60 + 645\,610 = 946\,867,60$ сўм	4) $417\,815,60 + 645\,610 = 1\,063\,425,60$ сўм
5) $946\,867,60 / 25,4 = 37\,278,25$ сўм – бир кунлик иш ҳақи.	5) $1\,063\,425,60 / 25,4 = 41\,867,14$ сўм
6) $37\,278,25 \times 24 = 894\,678,05$ сўм	6) $41\,867,14 \times 24 = 1\,004\,811,59$ сўм

Жамоа шартномасига асосан ҳайдовчига бир ойлик иш ҳақи миқдорида таътил вақтида давонланиши учун моддий ёрдам бериш лозим:

1-вар. – 301 257 сўм; 2-вар. – 588 160 сўм; 3-вар. – 371 628 сўм; 4-вар. – 417 815 сўм.

1. Ҳайдовчига ўртача ойлик иш ҳақи қандай тартибда ҳисобланади?

2. Ҳайдовчининг таътил пули қанча бўлади?

3. Ҳайдовчига қанча миқдорда моддий ёрдам берилиши лозим?

4. Агарда ходим охирги ойда тўлиқ ишламаган бўлса, таътил пули қандай тартибда ҳисобланади?

– Сиз келтирган ҳисоб-китоблар ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 6-илова «Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби» талабларига мувофиқ келмайди. Унда назарда тутилишича, таътиллار вақтига ҳақ тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоблаб чиқариш кундаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани ўн иккидан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақиға қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар киради. Ўз хатингизда ҳайдовчига тўлов тариф ставкаси бўйича амалга оширилишини кўрсатгансиз – яъни 1 соатга 1 793,2 сўм. Ҳайдовчи 22.07.дан 18.08.гача даврда таътилда бўлган. Башарти 7 соатлик иш кун билан 6 кунлик иш ҳафтаси бўлса, 24 кун учун (22 июлдан 18 августгача) меҳнат таътили ҳисоб-китоби:

$7 \text{ соат} \times 24 \text{ кун} \times 1\,793,2 = 301\,257,6$ сўм (меҳнат таътили учун тариф қисми).

Ўз хатингизда жадвалда иш ҳақи ва иш ҳақидан ортиқча тўловларни кўрсатгансиз, шу сабабли сиз тариф қисми билан ЯИТ ҳисоблаб ёзиладиган барча тўловлар ўртасидаги фарқни белгилаб олишингиз керак. Масалан, 2011 йил июнь учун:

тариф қисми ҳисоб-китоби: $7 \times 1\,793,2 \times 26 \text{ кун} = 326\,362,4$ сўм;

ЯИТ ҳисоблаб ёзилган умумий ҳисобланма – 1 209 506 сўм ($588\,160 + 621\,346$);

тарифдан ортиқча қисм – 883 143,6 сўм ($1\,209\,506 - 326\,362,4$).

1/12 қисмининг ҳисоб-китоби учун фойдаланиладиган сумма 883 143,6 сўмни ташкил қилади.

Кўрсатилган тартибни 2012 йил июлдан бошлаб 2013 йил июнгача бўлган барча иш ҳақларига қўллаш керак. ЯИТ ҳисоблаб ёзилган барча тўловлар билан бир йил учун тариф қисми ўртасида чиққан фарқдан тариф қисмига, яъни 301 257,6 сўмга қўшиш учун ўртача ойлик иш ҳақининг 1/12 қисмини ҳисоблаб чиқариш учун фойдаланилади.

Ўртача кунлик иш ҳақи ва 24 кун учун таътилни барча суммасини ҳисоблаб чиқаришга доир кейинги ҳаракатлар тўғри кўрсатилган, яъни олинган ўртача ойлик тарифдан ортиқча қисми 12 ойга бўлиш ва ўртача кунлик иш ҳақини аниқлаш учун 25,4 га бўлиш керак.

Моддий ёрдам жамоа шартномаси асосида тўланади, унга ойлик иш ҳақи деганда нима тушунилиши кўрсатилган моддий ёрдам тўғрисида низом ва моддий ёрдамни ҳисоблаш тартиби кўрсатилиши керак. Қонун ҳужжатларида «ойлик иш ҳақи» тушунчаси назарда тутилмаганлиги боис, сизга ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига юқорида кўрсатилган 6-илованинг 5-бандига мувофиқ ҳаракат қилишни тавсия этамиз, унда кўрсатилишича, «барча бошқа ҳолларда (1–4-бандларда кўрсатилганлардан ташқари) ўртача ойлик иш ҳақи охирги икки календарь ойдаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгилади». Сизнинг ҳолатингизда бу 1 771 145 сўмни ташкил қилади $[(528\,994 + 1\,803\,791 + 588\,160 + 621\,346) / 2 \text{ ой}]$.

Агар ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш учун фойдаланиладиган давр мобайнида ходим тўлиқ ишламаган даврлар бўлса, ушбу ой (ойлар) учун иш ҳақи ҳисоб-китобга қабул қилинмайди ва ўртача ойлик иш ҳақини аниқлаш учун тўлиқ ишланган ойлар учун иш ҳақини тўлиқ ишланган ойлар сонига бўлиш керак бўлади.

Жавобни Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмасининг экспертлари тайёрладилар.



АМАЛИЁТ

ПУДРАТЧИ ВА ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИ: БУХГАЛТЕРИЯНИ ТЎҒРИ ЮРИТАМИЗ



Қурилиш пудрати шартномалари асосида бош пудратчи ҳисобланган шуъба корхона солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш, шунингдек бош пудратчи билан ёрдамчи пудратчи ўртасидаги операциялар ҳисобини юритиш масалалари бўйича тушунтириш беришингизни сўрайди.

– Бош пудратчи ҳисобланган ташкилот баъзан айрим ишларни бажариш учун чет юридик шахсларни ёрдамчи пудрат шартномалари бўйича жалб этади. Ушбу ҳолда ёрдамчи пудрат ташкилотига нисбатан бош пудратчи «буюртмачи» бўлиб майдонга чиқади ва асосий буюртмачи олдида барча иш учун, шу

жумладан ёрдамчи пудратчилар бажарган иш учун ҳам жавоб беради. Мазкур ёрдамчи пудрат шартномаси доирасида ташкилот (бош пудратчи) ёрдамчи пудратчига ўзига мулк ҳуқуқида тегишли бўлган (ташкилот томонидан сотиб олинган) қурилиш материаллари ва ускуналарни асосий буюртмачининг объектида

Аудитор хабарномаси

қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун беради. Бунда мулк ҳуқуқи бош пудратчида қолади. Қурилиш материаллари юкхат ҳамда материаллар ва ускуналарни топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича берилади.

Ёрдамчи пудратчи бош пудратчи учун ҳақиқатда сарфланган материаллар ва ускуналар тўғрисида ҳисобот тузади, фой-

данилмаган материаллар (ва ускуналар) қолдиғини юкхат ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида бош пудратчига қайтаради.

Юқорида саналган операциялар бўйича мисол ва бухгалтерия проводкалари, шунингдек расмийлаштирилладиган ҳужжатлар рўйхатини келтирамиз.

МИСОЛ. Бош пудратчи буюртмачи билан умумий суммаси ҚҚС билан бирга 100 млн сўм бўлган кўчмас мулк объекти қурилишига шартнома тузди.

Бош пудратчи 5 млн сўм суммасида, шу жумладан ҚҚС – 834 минг сўм, ёрдамчи пудратчига топшириш учун мўлжалланган қурилиш материалларини харид қилди.

Бош пудратчи ёрдамчи пудратчи билан 15 млн сўм суммасида, бош пудратчининг материалларини ҳисобга олмаган ҳолда, ёрдамчи пудрат шартномасини тузди. Бош пудратчи ёрдамчи пудратчига 4 166,0 минг сўм (ҚҚСсиз) суммасида қурилиш материалларини берди. Шундан ёрдамчи пудратчи 1 млн сўм суммасида (ҚҚСсиз) фойдаланилмаган материалларни қайтарди. Бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи солиқ солишнинг умумбелгиланган тартибини қўллаиди. **Бош пудратчи** юқорида кўрсатилган операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувларни қайд этди:

Операциянинг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма (минг сўм)	Ҳужжатли асос
Бош пудратчи томонидан етказиб берувчидан қурилиш материаллари харид қилинган, улар кейинчалик ёрдамчи пудратчига берилади	1050	6010	4 166	Шартнома, етказиб берувчидан ҳисобварақ-фактура
Харид қилинган моддий ресурслар бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилган	4410	6010	834	Етказиб берувчидан ҳисобварақ-фактура
Моддий ресурсларга тааллуқли бўлган, ҳисобга қабул қилинадиган ҚҚС акс эттирилган	6410	4410	834	Етказиб берувчидан ҳисобварақ-фактура
Қурилиш материалларини ёрдамчи пудратчига бериш акс эттирилган	1070	1050	4 166	Ёрдамчи пудрат шартномаси, топшириш ва қабул қилиш далолатномаси
Ёрдамчи пудратчи бажарган ва топширган, тўловга қабул қилинган қурилиш-монтаж ишларининг қиймати (ҚҚС чегирилган ҳолда) акс эттирилган (бош пудратчининг ёрдамчи пудратчига берган қурилиш материаллари қийматисиз)	2010	6010	12 500	Бажарилган ишлар далолатномаси, маълумотнома-ҳисобварақ-фактура (ёрдмчи пудратчи тақдим этади)
Ёрдамчи пудратчи бажарган ва топширган қурилиш-монтаж ишлари қийматидан ҚҚС суммаси акс эттирилган	4410	6010	2 500	Маълумотнома-ҳисобварақ-фактура (ёрдмчи пудратчи тақдим этади)
Ёрдамчи пудратчи бажарган қурилиш ишларига тааллуқли, ҳисобга қабул қилинадиган ҚҚС акс эттирилган	6410	4410	2 500	Маълумотнома-ҳисобварақ-фактура
Бош пудратчида ёрдамчи пудрат ташкилотига берилган қурилиш материаллари қиймати ҳисобдан чиқарилган (қайтарилган материалларни чегирилган ҳолда)	2010	1070	3 166	Бажарилган ишлар далолатномаси (алоҳида сатрда)
Пудратчидан олинган, ёрдамчи пудратчи қайтарган материаллар қиймати акс эттирилган	1060	1070	1 000	Маълумотнома-ҳисобварақ-фактура (алоҳида сатрда)
Бош пудратчи томонидан бажарилган ишлар буюртмачига топширилган (реализация)	4010	9010	83 333	Маълумотнома-ҳисобварақ-фактура (бош пудратчи тақдим этади)
Бош пудратчи томонидан бажарилган ишлар бўйича ҳисоблаб ёзилган ҚҚС суммаси акс эттирилган	4010	6410	16 667	Маълумотнома-ҳисобварақ-фактура (бош пудратчи тақдим этади)

Ёрдамчи пудратчи томонидан юқорида кўрсатилган операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар қайд этила-

Операциянинг мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма (минг сўм)	Ҳужжатли асос
Бош пудратчидан олинган қурилиш материалларининг қиймати акс эттирилган	003		4 166	Ёрдамчи пудрат шартномаси, топшириш ва қабул қилиш далолатномаси
Қурилиш давомида ишлатилган қурилиш материалларининг қиймати ҳисобдан чиқарилган		003	3 166	Бажарилган ишлар далолатномаси (алоҳида сатрда)
Бош пудратчидан олинган, пудратчига қайтарилган материалларнинг қиймати ҳисобдан чиқарилган		003	1 000	Маълумотнома-ҳисобварақ-фактура (алоҳида сатрда)
Бажарилган ва бош пудратчига топширилган, тўловга қабул қилинган қурилиш-монтаж ишлари қиймати (ҚҚС чегирилган ҳолда) акс эттирилган (бош пудратчининг ёрдамчи пудратчига берган қурилиш материалларининг қийматисиз)	4010	9010	12 500	Бажарилган ишлар далолатномаси, маълумотнома-ҳисобварақ-фактура (ёрдмчи пудратчи тақдим этади)
Бажарилган ва бош пудратчига топширилган, қурилиш-монтаж ишлари қийматидан ҚҚС суммаси, қурилиш ишлари қийматидан ҚҚС суммаси акс эттирилган	4010	6410	2 500	Маълумотнома-ҳисобварақ-фактура (ёрдмчи пудратчи тақдим этади)

Солиқ солиш мақсадида тушум таркибига киритилади:

бош пудратчида – бажарилган қурилиш ишлари реализациясидан 83 333 минг сўм миқдорида тушум;

ёрдмчи пудратчида – бажарилган қурилиш ишлари реализациясидан (унга бош пудратчи материаллари қиймати киритилмаган ҳолда) 12 500 минг сўм миқдорида тушум.

Мазкур мисолга доир назорат саволлари:

1) Юқорида келтирилган операциялар бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчининг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилганми?

2) Мазкур операцияларни тасдиқлаш учун ҳужжатлар рўйхатидан тўғри фойдаланилганми?

3) Тегишинча бош пудратчи ва ёрдамчи пудратчи бажарган ишлар реализациясидан тушум тўғри белгиланганми?

4) Пудратчи ва ёрдамчи пудратчи учун ҚҚС тўғри ҳисобланганми?

Жавоб. Пудратчи ва ёрдамчи пудратчида операцияларни акс эттириш бўйича бухгалтерия проводкалари тўғри акс эттирилган. Бухгалтерия проводкаларига асос сифатида кўрсатилган ҳужжатлар ҳам тўғри берилган. ҚҚС бўйича танқидий мулоҳазалар йўқ.

Юқорида кўрсатилган материални бухгалтерлар ёрдамчи пудрат шартномалари бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисобида фойдаланиши учун тавсия этиш мумкин.

Жавобни Ўзбекистон бухгалтерлари ва аудиторлари миллий уюшмасининг экспертлари тайёрладилар.

1-бегда ПАСПОРТ. ҲИСОБГА ОЛИШ. ПРОПИСКА

? Биометрик паспортнинг амал қилиш муддати (10 йил) тугаганидан сўнг қанча вақт ўтганидан кейин уни, жари-ма тўламасдан, янгисига алмашти-риш мумкин?

К.И.

– Ўзбекистон Республикасида пас-порт тизими тўғрисидаги низомнинг¹ 7-бандига мувофиқ амал қилиш мудда-ти тугаганидан кейин паспортни алмаш-тириш учун сиз 1 ойдан кечиктирмай доимий яшаш жойингиздаги хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмий-лаштириш бўлимасига ёки борган мамлакатингиздаги Ўзбекистон Респу-бликасининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат қилишингиз керак.

? Биометрик паспортда ёпиш-тирилган қоғоз – штрих-код ўчиб кетган. Бунинг бирор-бир оқибати бўладими?

И.Котова.

– Паспорт эгасига нисбатан мазкур ҳолат бўйича ҳеч қандай оқибатлар юза-га келмайди, чунки унинг барча асосий биографик маълумотлари паспортга қайд этилган.

? Ҳозир паспортлар биоме-трик паспортларга алмаш-тириляпти. Бундай алмаш-тириш яшаш гувоҳномасига эга бўлган фуқаролар учун ҳам на-зарда тутиладими?

Т.Демьянова.

– Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Рес-публикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун яшаш гувоҳномаси би-лан паспортларни биометрик паспорт-ларга алмаштириш назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги ни-зомга² мувофиқ фуқаролиги бўлмаган шахслар учун хорижга чиқиш учун ҳаракатланиш ҳужжати жорий этилган.

? Россия паспортига ва Рос-сиядаги пропискега эга бўлганда ЎЗР фуқаролигидан қандай қилиб чиқиш мум-кин?

В.Б.

– Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш тар-тиби тўғрисидаги низом³ III (б) бўлимининг 1-бандига кўра, чет элда доимий яшов-чи Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида Ўзбекистон Республи-каси Президенти номига ариза беради. Бунда илтимос қилувчининг аризаси ва зарур ҳужжатларнинг рўяхати Низом II (б) бўлимининг 1-бандига баён этил-ган талабларга мувофиқ келиши керак, соғлиқнинг ҳолати тўғрисидаги маълу-мотнома бундан мустасно. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти номига мазкур мамлакатда Ўзбекистон Республи-каси манфаатларини ҳимоя қиладиган Ўзбекистон Республикаси дипломатик ва консуллик ёки бошқа муассасаси орқали берилади. Ўзбекистон Республи-каси фуқаролигидан чиқишни хоҳловчи шахс яшаётган давлатда дипломатик ваколатхона, консуллик муассасаси бўлмаган тақдирда у Ўзбекистон Респу-бликасининг Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилади.

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг

(2.07.1992 йилдаги 632-XII-сон) 10-моддасига асосан Ўзбекистон Ре-спубликаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига қадар чет давлат фуқаролигига ман-сублиги тан олинмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, мазкур Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг тегишли Фармони чиққанидан кейин йўқотилади.

? Яқинда Қирғизистондан синг-лим меҳмон бўлиб келди. Биз дарҳол вақтинчалик пропи-скани расмийлаштиришга киришдик. ТИИБ ходимлари барча за-рур шаклларни тўлдиришди, уларни тўлдирганлик учун пул олишди, биз паспортларни рўйхатдан ўтказиш учун топшириш дарчасига келга-нимизда, Қирғизистон фуқаролари қариндошларининг яшаш жойига прописка қилинмайди, меҳмонхонада рўйхатдан ўтиш керак дейишди. Қандай ҳужжат асосида бизга рад жавоби беришди?

Н.Логинова.

– Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Респу-бликасида бўлишлари қоидаларининг⁴ (бун-дан кейин – Қоидалар) 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлувчи хорижий фуқаролар ўзларини қабул қилувчи ташкилотлар (вазирлик-лар, идоралар, мулкчилик шакллари ва фаолият туридан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар, хорижий давлатлар-нинг доимий ваколатхоналари, халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг ҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари, халқаро ва хорижий нодавлат (ҳукуматга қарашли бўлмаган) нотижорат ташкилотларининг ваколат-хоналари)ни, шунингдек хусусий ишлар бўйича уларни Ўзбекистон Республи-касига таклиф қилган шахсларни ха-бардор қилган ҳолда, хоҳишларига кўра меҳмонхоналарда ёки бошқа ту-рар жойларда яшайдилар.

Хорижий фуқароларни хусусий ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасига так-лиф қилган ва уларга турар жой берган шахслар бу фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирли-гининг ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлимларида ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўришга ва уларга белгиланган бўлиш муддатлари туга-ши билан Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетишларида кўмаклашишга маж-бурдирлар.


Мазкур шахслар томонидан хорижий фуқароларга турар жой, транспорт во-ситалари берилишига ёки уларга бошқа хил хизматлар кўрсатилишига, агар бу Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва мазкур Қоидаларнинг бу-зилишига олиб келиши аниқ бўлса, йўл қўйилмайди.

Қоидалар бузилган тақдирда сиз Тош-кент шаҳри ИИББ ёки Ўзбекистон Респу-бликаси ИИБга ариза билан мурожаат қилишга ҳақлисиз.

? Россиядаги доимий яшаш жойига қайд этилгандан кейин Ўзбекистонда қанча кун туриш мумкин? 3 кун деб эшитган эдим, паспортчи эса 10–15 кун дейди.

Надежда Георгиевна.

– Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшаш учун ҳисобдан ўтгандан кейин сиз республика ҳудудида 5 кун мобайнида туришингиз мумкин, байрам ва дам олиш кунлари бундан мустасно. Республика ҳудудида бун-



дан кўпроқ вақт турилган тақдирда сиз ҳудудида яшаётган милиция таянч пун-ктидаги профилактика инспекторига мурожаат қилишингиз ва вақтинчалик ҳисобга туришингиз керак.

Бунинг учун сиз Ўзбекистон Респу-бликаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисида йўриқномага⁵ мувофиқ профилактика инспекторига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз керак:

ЎЗР ИИБ тасдиқлаган шаклда ариза; паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизмат-чининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

16 ёшга тўлмаган шахслар учун – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат; мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ турар жой мулкдорининг (мулк-дорларининг) турар жой майдони бери-ши тўғрисидаги аризаси (розилиги);

турар жой учун ҳужжатларнинг нус-халари;

ҳисобга олиш учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

? Корхонада хизмат автобуси бор, у ходимларни ишга олиб келади ва уйга олиб бориб қўяди. Ходимлар Тошкент вилоятида яшашади. Ушбу ходимлар Тошкент шаҳрида вақтинчалик про-пискада бўлишлари керакми?

КБ инспектори.

– Тошкент шаҳрига бошқа шаҳарлардан меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун келадиган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга⁶ мувофиқ ҳисоб даврида ишлаш ҳуқуқига эгалар.

Ҳисобга туриш учун фуқаро ўзи вақтинча туришни мўлжаллаётган жойдаги про-филактика инспекторига мурожаат этиб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ИИБ томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

паспорт;

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Ре-спубликаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

16 ёшга тўлмаган шахслар учун – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва 35 x 45 мм ўлчамли иккита фотосурат; уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериши тўғрисидаги аризаси (розилиги);

турар жой учун ҳужжатларнинг нус-халари;

ҳисобга олинганлик учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

? Агар ходимнинг яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш мудда-ти тугаса, у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш керак-ми?

КБ инспектори.

– Ишлаш учун бошқа шаҳарлардан Тошкент шаҳрига келган фуқаролар ушбу ҳуқуққа эга бўлиш учун ҳисобга туришлари керак.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тарти-би тўғрисида йўриқномага кўра ҳисобга қўйилган фуқароларга ҳисоб даврида меҳнат фаолияти билан шуғулланишга рухсат берилган.

Тошкент шаҳри ва вилоятида яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш муддати туга-гач, сиз ходимни ҳисобни узайтиришга мажбур қилишингиз керак, у бош торт-ган тақдирда у билан меҳнат шартно-масини бекор қилиш керак, акс ҳолда корхона раҳбарияти амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жа-вобгарликка тортилади.

? Ходимни топилмалар бўлимининг паспорт йўқолганлиги тўғрисидаги маълумотномасига асосан ишга қабул қилса бўладими?

А.Р.

– Топилмалар бўлимининг маълумот-номаси шахсни тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланмайди. «Ўзбекистон Респу-бликасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига кўра фуқаронинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат пас-портдир.

? Агар паспорт эгасининг мазкур ҳужжати шикастлан-ган бўлса, унда фамилияси, исми, фотосурати ва бошқа маълумотлар ёмон ҳолда ва ноаниқ кўринса, ходимни ишга қабул қилиш мумкинми?

Р.Азизова.

– Шикастланган паспорт ҳақиқий деб ҳисобланмайди, шу боис фуқаро янги паспорт олиши керак, акс ҳолда у маъ-мурий жавобгарликка тортилади. Бундай шахслар ишга қабул қилинмайди.

? ТМБ олишга ишончнома ёзи-лади, унда ишончнома эгаси-нинг паспорт маълумотла-ри кўрсатилади. Марҳамат қилиб айтсангиз, ҳозир ишончно-мани биометрик паспорт бўйича қандай тўлдириш керак? Паспорт маълумотлари лотин шрифтида, қолган ҳаммаси бошқа тилларда бўлса?

Бухгалтер.

– Товар-моддий бойликларни олиш-га ишончномани тўлдириш чоғида унинг эгасининг маълумотлари биометрик паспортда кўрсатилган маълумотларга асосан, лотин шрифтида тўлдирилади.

¹Президентнинг 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонида 1-илова.

²Президентнинг 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонида 2-илова.

³Президентнинг 20.11.1992 йилдаги ПФ-500-сон Фармони билан тасдиқланган.

⁴ВМнинг 21.11.1996 йилдаги 408-сон қарорига 2-илова.

⁵Ички ишлар вазирининг АВ томонидан 21.05.2012 йилда 2366-сон билан рўйхатдан ўтказилган бўйруғи билан тасдиқланган.

⁶ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова.

ИККИ ОЙ ИШЛАГАН ХОДИМДАН ҚАНЧА СОЛИҚ ОЛИНАДИ

Корхонада ходим 2013 йилнинг январь-июнь ойлари давомида 2 ой ишлаб, шунга мос равишда май-июнь ойлари учун 1 239 026 (652 119 + 586 907) сўм миқдорида ойлик иш ҳақи олган. Ушбу вазиятда ходимнинг даромад солиғи қайси шкалада ушланиши керак?

— Солиқ кодексининг 186-моддасида жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ ставкасини қўллаш мақсадида энг кам иш ҳақи миқдори йил бошидан ортиб боровчи якун

бўйича (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақи миқдорларининг суммаси) ҳисобга олиниши назарда тутилган.

Демак, бу вазиятда сиз даромад солиғини 6 ой учун ортиб бо-

ровчи шкалада ҳисоблашингиз керак бўлади (ушбу мисолда имтиёзлар қўлланилиши назарда тутилмаган), яъни январь-июнь ойлари учун энг кам иш ҳақи миқдори 477 540 (79 590 x 6) сўмни ташкил этади.

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси	Шкала бўйича солиқ солинадиган даромад	Ушланиши керак бўлган даромад солиғи суммаси
Энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 8 фоизи	2 387 700 (477 540 x 5) сўм	99 122,08 (1 239 026 x 8%) сўм
Энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан (+1 сўм) 10 бараваригача миқдорда	Энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 бараваридан ошадиган сумманинг 16 фоизи		

Демак, сизнинг вазиятда солиқ солинаётган даромад суммаси шкаланинг энг қуйи қисмидан ортмаганлиги сабабли ушбу суммадан 8 фоиз миқдорида даромад солиғи ушланиб қолиниши лозим бўлади.

ЧИҚИНДИЛАРНИ СОТИШДАН ТУШУМГА ҚАНЧА СОЛИҚ СОЛИНАДИ

Ташкилотимиз Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтказилган бўлиб, Навоий вилояти ҳудудидаги иссиқхона ва ишлаб чиқариш цехининг кадастр ҳужжатлари бизнинг ташкилот номига расмийлаштирилган. Ушбу ҳудудда маъжуд бўлган истеъмолга яроқсиз темир-терсақлар ва чиқиндиларни йиғиб, уларни тегишли ташкилотга топшириш натижасида ташкилот ҳисобрақамига пул маблағлари келиб тушди. Шу муносабат билан қуйидаги саволларимизга жавоб берсангиз.

Ушбу тушумдан ЯСТ тўлаймизми?

Ушбу пул тушуми бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади?

— Солиқ кодексининг 355-моддасида ягона солиқ тўловининг солиқ солиш объекти ялпи тушум ҳисобланиши ва солиқ солиш мақсадида ялпи тушум таркибига қуйидагилар киритилиши белгилаб қўйилган:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) қўшилган қиймат солиғини чегирган ҳолда (қўшилган қиймат солиғи тўлашга ўтган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум;

2) Солиқ кодексининг 132-моддасида назарда тутилган бошқа даромадлар.

Шу жумладан Солиқ кодексининг 132-моддасида бошқа даромадларга товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинган даромадлар киритилган.

Демак, истеъмолга яроқсиз темир-терсақлар ва чиқиндиларни йиғиб, тегишли ташкилотга топширишдан олинган даромаддан ташкилотга асосий (соҳа) фаолият тури учун белгиланган ягона солиқ тўлови ставкалари бўйича солиқ солиниши керак бўлади.

Ушбу пул тушумлари бухгалтерия проводкаларида қуйидагича акс эттирилади:

Т/р	Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
1	Темир-терсақлардан тушган тушум	4010	9390
2	Тушган тушумни даромадга киритиш	9390	9020
3	Ҳисобот даврининг охирида асосий фаолиятдан тушган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9020	9910

Саволларга экспертимиш Умидбек САФАРОВ жавоб берди.

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.

Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Кимёвий тозалаш: ковроланлар, гиламлар, юмшоқ мебель ва автомобиль салонини кимёвий тозалаш.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Тел.: (+99893) 520-77-70, (+99894) 659-50-07.

Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан.

Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.

Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

ХОРИЖ МАҲСУЛОТИГА ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР КЕРАК

Корхонамиз бошқа маъсулияти чекланган жамият билан хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олиш бўйича шартнома тузмоқчи. Биз ушбу МЧЖдан шартнома тузишдан олдин гувоҳнома ва лицензия нусхасини, маҳсулот олаётган вақтимизда ушбу маҳсулот Ўзбекистон ҳудудида қонуний кириб келганлигини тасдиқловчи божхона юк декларациясини (БЮД) ва сифати бўйича мувофиқлик сертификатини тақдим этишни талаб қилаймиз.

Қонун бўйича шартнома тузишдан олдин маҳсулотларни олиш учун қандай ҳужжатларни талаб қилишимиз лозим? Хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотга БЮД талаб қилишимиз шартми, бу қайси қонун ҳужжатларида кўрсатилган?

— Маълумки, корхоналар ўртасида тузиладиган шартномалар Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги 670-сон Қонуни билан тартибга солинади.

Ушбу Қонуннинг 6-моддасида хўжалик шартномаси тарафлари белгиланган тартибда хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этиб ўтилган.

Шунингдек Қонуннинг 10-моддасида хўжалик шартномасига нисбатан талаблар қўйилган. Чунончи, хўжалик шартномасида шартнома предмети, етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортимент ва баҳоси, шартноманинг бажарилиш муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятлари, шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда тарафларнинг реквизиитлари, шартнома тузилган сана ва жой, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартлар назарда тутилиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг 28.12.1993 йилда қабул қилинган «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги 1006-XII-сон Қонунининг 2-моддасида маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижроқчиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида сертификатлаштириш амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек ушбу моддада сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлиши ҳам назарда тутилган.

Мазкур Қонуннинг 10-моддасида эса сертификатлаштирилиши шарт бўлган маҳсулотларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаши кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек ушбу Қонуннинг 14-моддасида мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш учун тузиладиган контрактлар (шартномалар) шартда маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи, «Ўзстандарт» агентлиги томонидан берилган ёки эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари бўлиши назарда тутилиши кераклиги айтиб ўтилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сиз четдан олиб келинган товарларни сотиб олишда сотувчидан шартнома тузишда зарур бўладиган гувоҳнома ва лицензияни сўраб олишингиз мумкин, лекин божхона юк декларациясини (БЮД) сўраш шарт эмас. Чунки БЮД ҳисобварақ-фактуранинг ўрнини босадиган ҳужжат ҳисобланади, унинг эса сизга кераги йўқ. Сифат бўйича мувофиқлик сертификатига келсак, унда сиз шартнома шартларида келтириб ўтилган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадида сертификатни талаб қилиб олишингиз мумкин.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30

E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru

www.norma.uz

Нашр учун масъул:
Зулфия Раҳимбекова

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайдиган.

Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлланатириш, тарқатишга **фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.**

Газета ношир — «Norma» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди
(Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс — 186 Буяртма 1160 Адади 2140. Баҳоси келишганда нархда
Газета А3 ҳажмда, 2 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 16 сентябрда соат 18.30 да топширилди.

ISSN 2010-5223

top

РЕКЛАМАНИ
ЖОЙЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ
БЎЙИЧА ҚЎНГИРОҚ
ҚИЛИНГ:
283-32-31, 283-36-32.